



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



**Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг
илмий-ахборот маркази**

**Норин-Қорадарё Ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси**

“Фермер хўжаликларида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш” лойиҳаси

Агромелиоратив бюллетень

Март ойида далада олиб бориладиган агротехник тадбирлар



Март ойида амалга ошириладиган агротехник тадбирлар.

Март ойидаги ўртача кўп йиллик ҳаво ҳарорати +7, +9 градусни, ёғингарчилик миқдори эса 40,5 мм.ни ташкил қилади. Ўтган 2010 йили эса март ойининг ўртача ҳаво ҳарорати +13,1 градусни, ёғингарчилик миқдори эса 5,6 мм.ни ташкил этган. Жорий йил январь ва февраль ойлари ҳам кўп йиллик ўртача об-ҳаво ҳароратига нисбатан илиқ келди. Ёғингарчилик эса меъёридан анча кам бўлди. Ушбу маълумотлар таҳлил қилинса, шу нарса маълум бўляптики, йилдан йилга ҳаво ҳарорати кўтарилиб, ёғингарчилик миқдори кам бўлмоқда, натижада мамлакатимиз минтақаларида сув тақчиллиги сезилмоқда. Бу йил ҳам сув таъминотида сезиларли даражада танқислик бўлиши кутилаётганлигини инобатга олиб, қишлоқ хўжалик экинларини суғоришда илғор технологияларни жорий этиш, сувдан самарали фойдаланиш, чигитни ўз намига ундириб олиш жорий мавсумда жуда катта аҳамиятга эга.

Март ойида об-ҳавонинг иссиқ кунларидан фойдаланиб, далаларда кўплаб агротехник тадбирларни амалга ошириш тақазо этилади. Шудгорланган далаларнинг ўрталарида қолиб кетган, столбалар ва иншоотлар атрофини техника ёки қўл кучи билан шудгорлаш, дала четларни чопиш, дала атрофларида ҳашорат ва зараркунандаларга қарши профилактика ишларини бажариш, тозаланмай қолиб кетган ариқ-зовурларни тозалаб охирига етказиш, кузги буғдойларни дастлабки озиклантириш ва суғориш, далаларни теккислаб чигит экишга тайёргарлик кўриш ва чигит экиш каби агротехник тадбирлар амалга оширилади. Шулардан бири ғаллани озиклантиришдир.

Ғаллани озиклантириш ва суғориш.

Майса парваришидаги энг муҳим тадбирлардан бири, бу ғаллани 1-озиклантиришни сифатли ўтказишдир. Худудларни жойлашишига кўра озиклантиришнинг тахминий муддати февраль ойининг учинчи ўн кунлигига тўғри келади. Бунда азотли ўғитлар йиллик меъёрнинг 25 фоизини бериш зарур (физик ҳолда бир гектарига 150-160 кг дан).

Азотли озиклантиришни энг аввало кеч экилиб, қишловдан қийинчилик билан чиққан, кейин эса уруғлик учун етиштирилаётган ва ниҳоят қолган майдонларда ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Қишловга тўпламасдан кирган ҳамда қишловдан қийин чиққан майдонлардаги майсани кўшимча тартибда гектарига 100 кг дан азотли озиклантириш яхши самара беради.

Шунда кўчат қалинлиги барқарорлашади. Тўпланиш жараёни жадаллашади, 1 метр квадратда 550-600 тагача маҳсулдор поя ҳосил бўлади. Озиклантиришни ўз муддатида ўтказиш ҳисобига ҳар гектар ердан 4-6 центнергача кўшимча ҳосил олишга эришилади.



Бу тадбирдан сўнг ҳар бир минтақанинг тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ғаллазорлар 700-800 куб метр меъёрида суғорилади. Суғориш жараёнида қўшимча озиклантириш мақсадида жамғарилган маҳаллий ўғитнинг 60-70 фоизи шарбат усулида оқизилиши яхши самара беради.

Бу даврдаги озиклантиришда навларнинг биологик хусусиятларига асосан эртапишарлигига (Чиллаки, Кума, Андижон-4, Бобур), ўртапишарлигига (Крошка, Нота, Восторг, Таня, Купава, Краснодар-99) ва ўрта кечпишарлигига (Пловчанка, Уманка, Княжна) алоҳида эътибор бериш керак. Чунки эртапишар навлар бошқа навларга нисбатан 7-10 кун эрта найчалаш фазасига киради. Бу эса эртапишар навларни бошқа навларга нисбатан 10 кун эртароқ озиклантиришни талаб этади.

Ойнинг охирида агрономларнинг хулосаларига кўра, касаллик, зарақунанда ҳашоратлар ва бегона ўтлардан кучли зарарланган майдонлар аниқланишига алоҳида эътибор бериш керак.

Март ойининг муҳим тадбирларидан бири – бу ғаллани 2-озиклантириш ҳисобланади. Найчалаш фазасида ғалланинг эрта баҳорги ҳолатига нисбатан фарқи шундаки, бу пайтда ўсимликнинг вегетатив органлари, энг асосийси поялар сони кўпайган бўлади. Шу пайтда азотли ўғитлар йиллик меъёрнинг 40 фоизи, яъни физик ҳолатда ҳар гектарига 300-320 кг миқдорида берилади.

Найчалаш фазасида ғалланинг намлик ва озуқа моддалари билан таъминланиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу даврда бошоқ найча ичида

шаклланади. Найчалаш фазасининг давомийлиги 25-30 кунни ташкил этади. Шу қисқа даврда буғдой ўсимлиги бутун ўсув давридаги куруқ модданинг 50-60 фоизини тўплайди. Шунинг учун найчалаш даврида намлик ва озуқа моддалар етишмаслиги ҳосилдорликка салбий таъсир этади.

Буғдой майсаларининг ривожланиши сустр бўлган майдонларга минерал ўғитлар суспензияси сепилиши ўсимликларни эрта баҳорги ривожланишини тезлаштиради. Бундай эритмани қўллаш учун ҳар гектар майдонга 300 литр миқдорида ишчи эритма тайёрланади. Эритма тайёрлашда физик ҳолда 45 кг карбомид, 12 кг аммофос, 6-8 кг калий олиниб, 300 литр сувда эритилади ва 60 даража иссиқликда илитилади шундан сўнг махсус пуркагич ёрдамида пайкалларга сепилади. Суспензия сепишда майсалар ер устки қисмини тўла қоплаганлигига алоҳида эътибор бериш керак. Виложимиз ғаллачилиги тажрибасидан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, ғалла баргидан озиклантирилганда ўсимлик барг сатҳи қалинлашади, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги ортади, фотосинтез жараёни яхшиланади, пировардида ғалланинг ўсиши ва ривожланиши тезлашади. Шунинг учун ғаллани мавсумда 4-5 марта минерал ўғитлар суспензияси билан озиклантириш тавсия этилади.

Ҳар бир минтақанинг тупроқ ва иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда ғалла 800-1000 метр куб меъёрида суғорилади. Суғориш жараёнида маҳаллий ўғитларни шарбат сифатида оқизилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Бегона ўтдан кучли зарарланадиган ва иккинчи йил ғалла экилган майдонларга март ойининг учинчи ўн кунлигидан бошлаб мутахассислар тавсия этган гербицидлар ёрдамида дастлабки ишлов бериш бошланади. Гербицидлардан фойдаланиш кун иссиган пайтларда амалга оширилса, унинг фойдаси кўпроқ бўлади. Эрталаб ва кечки пайтларда сепилган гербицидларнинг фойдаси кам бўлади. Шунингдек, зарарли хасва тарқаладиган ва занг касалининг ўчоқлари қўл аппаратлари ёрдамида профилактик ишловдан ўтказилади. Бу келгусида зарарли хасва ва занг касаллиги кенг тарқалишининг олдини олади. Бундай чоралар жойлардаги тупроқ иқлим шароити ва ғалланинг ривожланиш фазаларига қараб 10-15 кун олдин ёки кейин ўтказилиши мумкин.

Бошоқли дон етиштиришда мазкур агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш ўта муҳим ҳисобланади. Тадбирларни кечикиб бажарилиши ҳосилдорликни пасайишига олиб келади.

Экиш мавсуми.

Охирги йилларда сув ресурсларининг тобора танқис бўлиб бораётганлиги йилдан-йилга сезилмоқда. Соҳа мутахассисларининг маълумотларига кўра, жорий йилда ҳам сув ўтган йилга нисбатан 25-30 фоизга кам бўлиши кутилмоқда. Бу йилги қиш ойларида аввалгиларга нисбатан илиқ келиши, ёғингарчилик меъёрга нисбатан кам бўлганлиги ушбу башоратни маълум даражада тўғри эканлигини

исботламоқда. Шунини инобатга олиб, чигитни ўз намига ундириб олиш жорий мавсумда жуда катта аҳамиятга эга бўлган тадбир ҳисобланади.

Аввало экиш мавсумини қатъий режалаштириб олиш лозим. Чигитни экишга тайёрлаб, ерлар тобга келиши билан биринчи навбатда сув таъминоти оғир бўлган ҳудудлар ва фермер хўжаликлари майдонлари аниқлаб олинади. Мавжуд техник ресурслар шу ҳудудларга жамланиб, отряд усулида ишлатган ҳолда жуда қисқа муддатда ерни тайёрлаб, чигит экиб, уни ўз намига ундириб олишга эришиш лозим.

Ерларни чигит экишга тайёрлаш.

Эрта баҳорги бороналаш муддати тупроқнинг механик таркибига, об-ҳаво шароитига ва тупроқни етилишига қараб белгиланади: ёғингарчилик кам бўладиган, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудларда эрта баҳорги бороналаш февраль ойининг охирлари ва мартнинг бошларида, бошқа ҳудудларида мартнинг ўртаси ва учинчи ўн кунлигида ўтказилади. Эрта баҳорги бороналаш шудгорланган майдон юза қисмининг майда дондор бўлиши ҳамда тупроқ табиий намлигини узоқ муддат сақлаб туришга имкон яратади. Эрта баҳорги бороналаш бир марта, айрим ҳолларда ер бети қаттиқ қатқалоқ бўлиб қолганда иккинчи марта ўтказиш мумкин. Яхоб суви берилган, айниқса, шўри ювилган майдонларда ҳайдов қатлами анча зичлашган бўлса, уларни бороналаш самарасиз бўлиши мумкин. Бундай тупроқлар борона тиркалган ҳолда чизилланади ёки дискаланади. Тупроққа эрта баҳорги ишлов беришда тишли ва дискли бороналар ҳамда чизель-культиваторлардан танлаб ва тўғри фойдаланиш, тупроқнинг ҳайдов қатламини зичламасдан, чигитни экишга сифатли тайёрлашни таъминлайди. Сув тақчил йиллари, сув таъминоти оғир бўлган ҳудудлар ва фермер хўжаликлари майдонларида тишли (шихмола) бороналаш тавсия этилмайди. Чунки бу тадбир ердаги табиий намликни буғланиб кетишига сабаб бўлиши мумкин.

Экиш олдидан тупроққа ишлов бериш.

Бу тадбир бевосита экишдан 5-10 кун олдин ўтказилади. Тупроқнинг ҳолатига қараб қуйидаги тадбирлар амалга оширилади: шўрланмаган, бегона ўтлардан нисбатан тоза майдонлар бир вақтни ўзида мола тиркаб боронланади. Бегона ўтлардан тоза майдонларни экиш олдидан текислагич агрегатлар ёки мола ёрдамида текислаш кифоя.

Юқори даражада бегона ўт босган майдонларда чизель-культиваторларга тиркалган бороналар воситасида кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизи даладан тозалаб чиқарилади. Юзада қолган илдизлар эса қўлда терилиб, ёқиб юборилади. Бегона ўтлар билан ўртача ва кам зарарланган ерларда бороналаш билан ҳам уларни йўқотиш мумкин. Кейин экиш олдидан мола босилади



Экиш олди ишлари ва чигит экиш мавсумини қисқа (7-10 кун) муддатда, сифатли ўтказиш чораларини кўриш лозим.

Чигитни экишга тайёрлаш.

Унувчанлиги 90-95 фоиздан кам бўлмаган уруғлик чигит экилгани маъқул. Чигитни намлашга катта аҳамият бериш керак. Бу тадбир табақалаш йўли билан ўтказилади. Экиш муддатига қараб бир тонна уруғни намлаш учун 600 литргача сув сарфланади. Чигитни намлаш олдиндан тайёрланган (асфальтланган ёки бетонланган) махсус майдончаларда ўтказилади. Майдончаларнинг бўйи 5-6, эни 2.5-3 м ва баландлиги 30-35 см катталикларда бўлиши лозим. Чигитни намлаш вақтидаги қалинлигини 20-25 см. дан оширмалик зарур. Намлаш уч босқичда: биринчиси 3-4, иккинчиси 4-5, учинчиси 5-6 соатда ўтказилиб, 200 литрдан сув сарфланса, чигитнинг тўлиқ ва сифатли намланишига эришилади ҳамда намлиги кам бўлган тупроқларда униб чиқишига ижобий таъсир этади. Шунингдек, ўстирувчанлик хусусиятига эга препаратлар билан намлаш, ноқулай шароитдаги чигитни унувчанлигини ошириши билан бирга илдиз тизимини бақувват ривожлантиради ва тупроқнинг табиий намлигидан унумлироқ фойдаланилади.

Намланган чигитнинг сақлаш муддати 12 соатдан ошмаслиги керак. Энг қулай муддатда ёки кечикиб экиладиган жойларда чигитни узоғи билан 18 соат сақлаш мумкин, холос. Чигитни намлашда бир кунда қанча майдонга экиш, далага олиб бориш ва бошқа ишларга кетадиган вақт ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

Чигит экиш.

Чигит экиш ишлари тупроқнинг 0-10 см чуқурликдаги ўртача ҳароратига қараб бошланади. Тукли чигит экиш учун тупроқнинг ўртача ҳарорати 12-14 градус, туксизлантирилган чигит экиш учун 14-15 градус атрофида бўлиши лозим. Таҷрибали деҳқонлар тупроқнинг экиш учун етилганлигини қуйидаги оддий усул ёрдамида аниқлайдилар: чигит экиладиган дала тупроғини қўлда сиқимлаб, ташлаб юборилганда майда ҳолда сочилиб кетиши керак.

Чигит экишни биринчи навбатда тез қизийдиган енгил, ўртача қумоқ ва тез етиладиган майдонларда, кейин эса оғир тупроқли тоғ олди минтақаларида ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Тупроқ ҳарорати бундан паст бўлганда экилган бир қисм чигит чириб кетади ва ниҳоллар сийрак ўсиб Чикади.

Чигит механик таркиби оғир, секин қизийдиган тупроқларда 3-4 см, бошқа тупроқларда 4-5 см чуқурликка экилади. Экиш тўлиқ тугалланган, деб ҳисобланиши учун далалар чети, симёғоч столбалари ва ўқ ариқлар атрофи қўлда экилган бўлиши керак. Шундагина барча майдонларда тўлиқ гектар ҳосил қилинади.



Чигит экиш меъёрига алоҳида аҳамият бериш даркор. Тукли чигитлар гектарыга 40-45 кг экилганда, далада мақбул кўчат қалинлиги таъминланади.

Туксизлантирилган чигитларни гектарига 20-25 кг меъёрида сарфлаб, намламасдан, тупроқ ҳарорати 14 градус бўлганда киришилади.

Маълумки, чигит униб чиққунга қадар далада бегона ўтлар кўпаяди. Уларга қарши чигитни экиш баробарида гербицид эритмаларини сепиш яхши натижа беради. Бунда “Стомп” гербицидини гектарига 0,8-1,0 кг меъёрида сепиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Чигит экишни мақбул муддатларда агротехник талабларга риоя қилган ҳолда ўтказиш чигитни тупроқдаги нам ҳисобига ундириб олишни ва пахта майдонларида тўлиқ ниҳоллар ҳосил етилишини таъминлайди. Чигит экиш даврида тупроқнинг чекланган намлик сифими 60 фоиздан кам бўлмаслиги керак. Бундай намликда экилган чигитни тупроқнинг табиий намлигига ундириб олишга эришилади. Кегусида пахтадан эртаки ва мўл ҳосил олиниши таъминланади.

Ушбу бюллетень лойиҳанинг
Ахборот маркази мутахассислари
томонидан ишлаб чиқарилди.
Мурожат учун телефон 224-40-41